

## Шаҳрисабздаги Кўк-Гумбаз масжиди



Шаҳрисабздаги Кўк-Гумбаз масжиди

Янгиликлар

12:57 / 24.06.2025 1222

1435 йилда, Амир Темур вафотидан 30 йил ўтгач, Шаҳрисабз шаҳрида энг йирик иншоот – «Кўк-Гумбаз» масжиди қуриб битказилди. Бу масжид Темурийлар сулоласига ҳурмат ва эъзоз рамзи сифатида қурилган. Буни масжид эшиги устидаги усталар томонидан қолдирилган ёзув ҳам тасдиқлайди: масжид «Шоҳрухнинг отаси номидан» барпо этилган. Иккинчи томондан эса, бу маскан барча мўмин-мусулмонлар учун ягона ибодат марказига айланди. Учинчи жиҳатдан, бу ибодат уйи «Дорут тиловат» меъморий мажмуасининг мукамал ва мантиқий якунига айланди.

Бу бой меъморий иншоот 15 аср услубида, ўша давр ҳукмдори Мирзо Улуғбекнинг яқин атрофидаги маҳоратли усталар томонидан қурилган. Масжид деворларида оловда пиширилган қизил ва оқ ғиштлар ишлатилган, улар устига нақшли майоликадан ясалган кўк сирланган кафеллар, чиройли наққошлик ва безаклар туширилган. Безаклар асосан оқ, кўк ва бошқа сокин, илиқ рангларда бажарилган.

Кўк гумбаз Амир Темурнинг «Оқсарой» саройи фонидида маҳобатли ва гўзал кўринишга эга бўлиши учун Мирзо Улуғбек – буюк астроном, жамоат ва давлат арбоби, нафақат рассом ва меъморлар, балки математиклар ва муҳандисларни ҳам қурилишга жалб қилган. Улар масжид баландлиги, таянч миноралар ва ички заллар параметрини аниқ ҳисоблаб чиқишлари

керак эди. Шу билан бирга, иншоот Шамсиддин Кулол мақбарасига симметрияли бўлиши ва 46 метрлик гумбаз юз йиллар мобайнида муҳташам ва бардавом тура олиши керак эди. Масжид ичида гумбаз томига олиб чиқувчи тўртта айлана зина мавжуд.

Бу кўҳна иншоотнинг кўк кошин билан қопланган гумбази, пештоқининг ўнг ва чап томонидаги устунлари, болохонаси бузилиб кетган. Бинога шарқдан пештоқ (равоғининг кенглиги 10 м) орқали кирилади. Пештоғида сержило ҳандасий безаклар кўп ишлатилган. Устунларида, асосий равоқ ва қаносларида гулдор сополлардан фойдаланилган. Хонақоҳ (12,7х12,7 м) ташқи пой гумбазида мовий, кўк ва оқ рангли безаклар орасига Қуръон оятлари битилган.

Ички қисмидаги 8 та майда равоқчалар ромб шаклидаги қалқонсимон бағаллар билан ўзаро бирлаштирилган ва равоқ шаклидаги 16 таянчиқ билан мустаҳкамланган. Ёштин девор бурчакларидаги 4 та айланма зина орқали айвон томига чиқилган. Айвоннинг ён тахмонларига кенг равоқ орқали ўтилган. Ҳозир улар ёпиб қўйилган.

Кўк гумбаз масжиди ўтган асрнинг 70-йилларида ҳамда Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан (1995-96 йиллар) қайта таъмирланган.

Бугунги кунда ҳам Кўк-Гумбаз масжиди ўз тарихий қиёфасини сақлаб қолган ва Шаҳрисабздаги зиёратгоҳлардан бири ҳисобланади. Масжид деярли шаҳарнинг ҳамма нуқтасидан кўринади.

**Манба**